

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 239-ҳадис

239 - حَدَّثَنَا أَنَسٌ قَالَ: صَارَتْ صَفِيَّةٌ لِدِخِيَّةٍ فِي مَقْسَمِهِ، وَجَعَلُوا يَمْدَحُونَهَا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: وَيَقُولُونَ: مَا رَأَيْنَا فِي السَّنِيِّ مِثْلَهَا، قَالَ: فَبَعَثَ إِلَى دِخِيَّةَ، فَأَعْطَاهُ بِهَا مَا أَرَادَ، ثُمَّ دَفَعَهَا إِلَى أُمِّي، فَقَالَ: «أَصْلِحِيهَا»، قَالَ: ثُمَّ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حَيْبَرٍ، حَتَّى إِذَا جَعَلَهَا فِي ظَهْرِهِ تَزَلُّ، ثُمَّ ضَرَبَ عَلَيْهَا الْقُبَّةَ، فَلَمَّا أَصْبَحَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ فَضْلٌ زَادَ، فَلْيَأْتِنَا بِهِ»، قَالَ: فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِفَضْلِ التَّمْرِ، وَفَضْلِ السَّوِيقِ، حَتَّى جَعَلُوا مِنْ ذَلِكَ سَوَادًا حَيْسًا، فَجَعَلُوا يَأْكُلُونَ مِنْ ذَلِكَ الْحَيْسِ، وَيَشْرَبُونَ مِنْ حِيَاضٍ إِلَى جَنْبِهِمْ مِنْ مَاءِ السَّمَاءِ، قَالَ: فَقَالَ أَنَسٌ: فَكَانَتْ تِلْكَ وَلِيمَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهَا، قَالَ: فَانْطَلَقْنَا، حَتَّى إِذَا رَأَيْنَا جُدْرَ الْمَدِينَةِ، هَشِشْنَا إِلَيْهَا، فَرَفَعْنَا مَطِيئًا، وَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَطِيئَتَهُ، قَالَ: وَصَفِيَّةٌ حَلَفَتْ، قَدْ أَرَدَفَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَعَثَرَتْ مَطِيئَةُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَصَرَخَ وَصُرِعَتْ، قَالَ: فَلَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ يَنْظُرُ إِلَيْهِ، وَلَا إِلَيْهَا، حَتَّى قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَتَرَهَا، قَالَ: فَأَتَيْنَاهُ، فَقَالَ: «لَمْ نُضَرَّ»، قَالَ: فَدَخَلْنَا الْمَدِينَةَ، فَخَرَجَ جَوَارِي نِسَائِهِ يَتَرَاءَيْنَهَا وَيَشْمَتْنَ بِصُرْعَتِهَا.

[خ 371، م 1365، ت 1095، س 3342، د 2054، ج 1908].

Анас розияллоху анху сўзлаб берди:

«Сафийя Дихянинг чекига тушган эди. Уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида мақтай бошлашди, «Асирлар ичида унақасини кўрмадик», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Дихяга одам жўнатиб, (Сафийянинг) эвазига унга истаганини бердилар.* Сўнг уни

(Сафийяни) онамга топшириб, «**Уни** (уст-бошини) **тузатгин**», дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбардан чиқдилар. Уни уловларига қўйиб, ўзлари (ерга) тушиб олдилар. Сўнг унга чодир тикдилар. Тонг отганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимда ортиқча егулик бўлса, бизга олиб келсин**», дедилар. Одамлар ортган хурмо ва талқонларини олиб кела бошлашди. Сўнг ундан ҳайс* қилишди. (Ҳамма) ўша ҳайсдан еб, ёнларидаги ёмғирдан ҳосил бўлган ҳовуздан ичишар эди. Мана шу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга қилиб берган валималари бўлди.

Кейин йўлга тушдик. Мадинанинг деворлари кўрингач, у томон ошиқиб, уловимизни тезладик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уловларини тезладилар. Сафийя у зотнинг ортларида эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни мингаштириб олгандилар. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уловлари қоқилиб кетиб, у зот йиқилиб тушдилар, у (Сафийя) ҳам йиқилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, уни тўсгунларича бирор киши у зотга ҳам, унга ҳам қарамай турди. Кейин биз у зотнинг олдиларига бордик. У зот: «**Зарар кўрмадик**», дедилар. Мадинага кириб бордик. У зотнинг ёш аёллари уни (Сафийяни) кўргани чиқишди, йиқилганига хурсанд бўлишди».*

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

* Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Сафийянинг гўзаллиги ҳам айtilгани эсга олинмоқа. Аммо у зотнинг унга уйланишларига асосий туртки бўлган омил бу эмас, чунки бошқа ривоятларда бу никоҳ аввало ижтимоийсийёсий сабаблар туфайли бўлгани айtilган.

* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари оддий инсон сифатида, аёл сифатида рашклари келиб, беихтиёр шу ҳолатга тушишган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

